# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 14 июнь, № 123 (8185) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июнь куни Америка Қўшма Штатлари Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Майкл Курилла бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**





Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик соҳасидаги амалий алоқаларни давом эттиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тикланишга, шу жумладан, устувор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги ташаббус ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 13 июнь куни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги самарадорликни ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Истеъмол маданияти ривожланган бугунги кунда сифат биринчи ўринга чиқмоқда. Бу борада бутун дунёга тушунарли "тил" бу — стандарт.

Мамлакатимизда ҳам барча соҳада халқаро андозалар жорий этилмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида "Global G.A.P." ва "Organic", тўқимачиликда "Oeko-Tex" стандарти асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда. "GSP+" тизими доирасида 6 минг 200 турдаги маҳсулотларни Европа Иттифоқига божсиз экспорт қилиш имконияти яратилди.

Бу соҳада жаҳон бозорига мувофиқликни таъминлаш мақсадида, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 июндаги Фармонига асосан, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига ўтказилиб, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги сифатида қайта ташкил этилган эди.

Лекин бу соҳанинг ўзида сифатни ошириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш, ишлаб чиқарувчиларга йўл кўрсатиб, экспортни кўпайтириш бўйича ҳали ўзгариш сезилмаяпти. Стандарт, карантин, ветеринария идоралари ҳамда гигиеник лабораториялар ягона сиёсат юритмасдан, тадбиркорга кўмакчи бўлмаяпти. Ҳудудларда 150 та лабораторияга эҳтиёж мавжуд. Мисол учун қуритилган мевани экспорт қилиш учун 27 хил таҳлил қиладиган лаборатория керак. Лекин бирортаям бундай муассаса йўқ. Кўп тадбиркорлар бу муаммоларни маҳсулотини Европага олиб борганидан кейин биляпти.

Шу боис йиғилишда стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳаларида самарадорликни ошириш, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва тармоқ раҳбарларига ҳар бир маҳсулот бўйича масалани чуқур ўрганиб, керакли стандартларни жорий қилиш ва лабораторияларни янгилаш вазифаси қўйилди. Бу орқали халқаро стандартларга мос корхоналар сонини 3 баравар ошириб, 1 минг 200 тага етказиш мумкин.

Хусусан, Чирчиқдаги "Ўзтекс" корхонасида маҳсулотларни Европа талаблари асосида синовдан ўтказиш йўлга қўйилгач, экспорти ошган. Президент бундай лабораторияларни тўқимачилик, чарм-пойабзал, электр техникаси, машинасозлик ва кимё саноати корхоналарида ҳам ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

Йил якунигача саноат соҳалари бўйича 27 та халқаро кўргазмада иштирок этиб, тадбиркорларни Европа бозорига олиб чиқиш юзасидан кўрсатма берилди.

Аграр тармоқда ҳам ижобий тажрибалар бор. Масалан, Самарқанд туманидаги "Сам фрут" корхонасида мева-сабзавот ва кўкатларни даладан экспортга тайёрлашгача бўлган жараён халқаро талаблар асосида ташкил этилган. Бу йил корхона Европага 10 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, мева-сабзавот етиштирилаётган 200 минг гектар майдонни халқаро талабларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон ва вилоят марказларидаги 14 та лабораторияни халқаро аккредитациядан ўтказиш, 13 та ҳудудий агрокимё лабораториясини замонавий жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат божхона қўмитасига экспорт, импорт ва транзит бўйича барча сертификат ва рухсатномаларни "Ягона дарча" ахборот тизими орқали йўлга қўйиш топширилди.

Корхона ва ташкилотларнинг 3 минг нафар мутахассисини стандартлаштириш соҳаси бўйича қўшимча ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА.**

# ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 6 июнь куни Тошкент ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи қурилиши билан танишиш чоғида жамоат транспорти тармоғини кенгайтириш ва метрополитен инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берган эди.**

13 июнь куни ушбу ишларни ташкил этишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишилди. Жумладан, қурилаётган ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичини давом эттириб, Сергели йўналиши билан боғлаш, замонавий қурилиш услубларини татбиқ этиш, метро поездларини янгилаш, йўловчи оқимини янада ошириш режалари ҳақида ахборот берилди.

Маълумки, ер усти метросининг иккинчи босқичи доирасида бешта бекатни шу йил якунида ва қолган иккитасини келгуси йил Наврўзда ишга тушириш мўлжалланган. Бу орқали 62 та маҳалладаги 250 мингга яқин аҳоли метрополитен билан қамраб олинади.

Давлатимиз раҳбари барча йўлларда инсонларга қулайлик ва хавфсизлик биринчи ўринда бўлиши лозимлигини таъкидлади. Метрополитен учун 14 та янги поезд олиб келиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Инновацион ёндашувларни кенг қўллаган ҳолда метрополитенни комплекс ривожлантириш ҳамда Транспорт университети билан биргаликда профессионал кадрлар тайёрлаш учун хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкентда жамоат транспорти етиб бормаган 26 та маҳаллага автобус йўналишлари очилиб, метро билан боғланади. Бунинг учун қўшимча электробуслар харид қилинади.

Ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент вилоятидан пойтахтимизга кунига 1 миллиондан зиёд йўловчилар кириб келади. Уларни метро бекатларига йўналтириб, ҳам аҳолига, ҳам транспортларга енгиллик яратиш зарурлиги айтилди.

Замонавий электропоездлар келтирилиб, Тошкент — Хожикент, Тошкент — Бекобод ва "Тошкент — Ангрен йўналишида тезюрар қатнов йўлга қўйилиши белгиланди.

Янги метрополитен йўналиши бўйида жойлашган маҳаллаларни ободонлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Лойиҳаларни такомиллаштириб, қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

## Дунё нигоҳи

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВИ

**Ўзбекистоннинг ШҲТга раис сифатида амалга ошираётган жадал саъй-ҳаракатларида яққол намоён бўлмоқда**



"Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсат стратегияси ва ШҲТ билан ҳамкорлик" — шу сарлавҳада Ҳиндистоннинг "International Affairs Review" нуфузли ахборот-таҳлилий порталида "Tillotoma Foundation" таҳлилий маркази катта илмий ходими Мина Сингх Ройнинг мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислигига бағишланган мақоласи чоп этилди.

Ушбу материалнинг тўлиқ матнини **4-саҳифада** эътиборингизга ҳавола этамиз.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

**13 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

→ 2

## Ҳамкорлик

# ЮРТИМИЗНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИГАН БЎЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Швейцариянинг Женева шаҳрига ташрифи доирасида Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) бош директори Дарен Танг билан учрашди.*

Унда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг БИМТ Глобал инновацион индексидаги ўрнини яхшилашга қаратилган ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида Д. Танг Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни диққат билан кузатиб бораётгани, мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегиясини пухта ўрганиб чиққани ва мазкур стратегия соҳага давлат эътиборининг ёрқин исботи эканлигини таъкидлади.

Ўз навбатида, БИМТ Ўзбекистонга миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш ҳамда фан ютуқларини барча соҳага жорий этиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрлиги билдирилди.

→ 2

## Муҳокама

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН НАМУНАЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Қонунларни қабул қилишда уларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ ва тушунарли даражада ифодалаш механизмларини янада такомиллаштириш" масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

Унда депутатлар, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари бўлган — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Бош прокуратура вакиллари ҳамда Адлия вазирлиги мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов олиб борди.

→ 3

## Яқин ўтмишдаги машҳур давлат ва сиёсат арбоблари

# ЎЗБЕКИСТОН ҲАМ, ОЗАРБАЙЖОН ҲАМ БУЮК ФАРЗАНДЛАРИ ШАРАФЛАНГАН ЮРТЛАРДИР

*Таниқли давлат ва жамоат арбоби, Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси раиси, академик Оқил САЛИМОВ Озарбайжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиевнинг ўзбек халқига нисбатан юксак ҳурмат-эҳтиромига алоҳида урғу берган ҳолда, ўзбек ва озар халқлари алоқаларининг тарихий илдизлари ҳақида сўзлаб берди.*

→ 3

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ



◄1 Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги қонунни муҳокама қилди.

Муҳокамада сенаторлар бугунги кунда давлат мулкини бошқариш бўйича ягона қонун мавжуд эмаслигини, ушбу соҳани тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларида давлат мулкига эгалик қилиш, жумладан, қайси мулкларни давлатда сақлаб қолиш, қайсиларини хусусийлаштириш бўйича аниқ мезонлар белгиланмаганлигини таъкидлади.

Шунингдек, республикада 25 мингга яқин давлат муассасалари ва 2 мингдан ортиқ давлат иштирокидаги корхоналар мавжудлиги, иқтисодиётда давлатнинг иштироки юқорилиги, жумладан, республикада фаолият кўрсатаётган 2113 та корхона 70 дан ортиқ вазирлик ва идоралар томонидан бошқариб келинаётганлиги қайд этилди.

Янги қонун билан давлат мулкини бошқариш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда.

Хусусан, давлат мулкини бошқаришнинг принциплари, давлат мулкига эгалик қилишнинг мезонлари белгиланмоқда ва давлат мулки республика ҳамда муниципал мулк турларига ажратилмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига муниципал мулкларни белгиланган мезонлар доирасида сотиш, ижарага ва ишончли бошқарувга бериш ваколати қонун билан белгилаб берилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этишнинг асосий йўналишлари, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш механизмини жорий этишда давлат мулкини бошқариш субъектларининг, яъни Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, давлат органлари ва ҳокимликларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

Шунингдек, давлат мулкини бошқаришда ҳисобдорлик, шаффофлик ва маълумотларни ошкор қилиш талаблари ўрнатилмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришга, давлат мулкини бошқариш соҳасини янада такомиллаштиришга ҳамда бу соҳада Ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини ҳамда ваколатларини аниқ белгилашга, давлат мулкини бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқди.

Мазкур қонун "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги, "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлардаги нормаларни ўз ичида мужассамлаштиради. Шу сабабли уларни ўз кучини йўқотган деб топиш назарда тутилади.

Бироқ ялпи мажлисда Сенат аъзолари қонуннинг асосий тушунчаларига аниқлик киритиш зарурлиги, коллизион нормалар мавжудлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур ўрганиб чиқилмаганлиги боис қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Рад этиш учун асосий сабаблар сифатида қатор масалалар келтириб ўтилди.

Жумладан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ҳамда профилактика ишлари фақатгина вояга етмаганлар ўртасида олиб борилиши, бундай маҳсулотларни сотиш ва истеъмол қилиш 21 ёшга тўлмаган шахслар учун тақиқланиши кўзда тутилган. Натижада ушбу қонун доирасида 18 ёшдан юқори ва 21 ёшга тўлмаган шахслар қатлами четда қолмоқда.

Шунингдек, қонунда "носвой", "тамакили снюс" ва "никотинли снюс" тушунчалари чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари доирасига киритилган. Бунда "носвой" тушунчасининг мазмуни алоҳида хатбошида очиб берилган, бироқ бошқа янги турдаги чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари — "тамакили снюс" ва "никотинли снюс" тушунчалари очиб берилмаган, уларнинг бир-биридан фарқи баён этилмаган.

Қонунда фақатгина Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган табиий ва кўпикланадиган виноларнинг рекламасига қайси ҳолларда йўл қўйилиши баён этилган. Бироқ 2022 йил 7 июндаги "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 39-моддасида табиий ва кўпикланадиган винолар билан бирга пиво рекламасига ҳам йўл қўйилиши белгиланган. Бу эса нормалар коллизиясини келтириб чиқармоқда. Шунга кўра қонуннинг тегишли нормасини "Реклама тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда қонуннинг аҳамияти ҳамда бугунги кундаги долзарблиги инобатга олиниб, Қонунчилик палатаси томонидан кўрсатилган камчиликлар кўриб чиқилгач, қонун Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига қайта киритилиши билдирилди.

Сўнгра "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Мажлисда "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Қонун қабул қилингандан сўнг кўплаб юртдошларимиз томонидан буйрак ва жигар трансплантацияси масаласида мурожаатлар сони ортиб бораётганлиги таъкидланди.

Ушбу қонунда трансплантация соҳасида қонунчилик нормаларини бузганлик учун Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига, шунингдек, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги ҳамда "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, инсон аъзолари ва тўқималарини олиш, трансплантация қилишнинг белгиланган шартлари ҳамда тартибини бузганлик, шунингдек, вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш учун олганлик, инсон аъзоларининг ва тўқималарининг олди-сотдиси билан шуғулланганлик, инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиққанлик учун жавобгарлик белгилаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, кўпчиликни хавотирга солаётган инсон аъзолари ва тўқималарини олиш мақсадида одам ўғирлаганлик ёки одам савдоси билан шуғулланганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонунни ялпи мажлис муҳокамасига олиб чиққан тегишли қўмита ушбу ҳуқуқий ҳужжат дастлаб манфаатдор вазирлик ва идоралар, илмий доира вакилларидан иборат ишчи гуруҳ билан бирга кўриб чиқилганини, давлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини таъминлаш мақсадида маҳаллий Кенгаш депутатларининг фикрлари олинганини қайд этди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.


Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни очиқ, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказишда халқ ҳокимияти ва сайлов тизимини босқичма-босқич модернизациялаш бўйича бир қатор амалий чоралар кўрилмоқда.

Бу эса, бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, уларнинг тавсияларига асосан Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонун билан Сайлов кодексига, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Хусусан, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунда сайлов округининг ҳудуди бошқа маъмурий-ҳудудий бирлик таркибига ўтказилганда ёки унинг ҳудудида янги маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этилган тақдирда ушбу сайлов округидан сайланган депутатнинг ваколатлари сақлаб қолиниши белгиланмоқда.

Бунда депутат сайлов округининг ҳудуди жойлашган халқ депутатлари Кенгаши ёхуд янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликда шаклантирилган халқ депутатлари Кенгаши таркибига киради, депутатнинг ваколатлари муддати эса мазкур халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддатига мувофиқлаштирилмоқда.

Сайлов кодексида эса, янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликдаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига сайловни ўтказиш учун сайлов округлари сонини белгилаш ва ушбу сайлов округларини, сайлов комиссияларини тузиш, сайловни ўтказишга доир қоидалар мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонунига киритилаётган ўзгартиришлар орқали референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, чет давлатларда турган фуқароларни овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига киритиш, референдум ўтказувчи комиссия аъзолари бўла олмайдиган шахслар доираси белгиланмоқда.

Қонун қабул қилиниши натижасида маъмурий-ҳудудий бирликлар ташкил этилганда ёки маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари ўзгарганда депутат тегишли маҳаллий Кенгаш таркибига кириши ва ваколатлари муддати давом эттирилиши, янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликда маҳаллий Кенгашга сайловни ўтказиш учун сайлов округлари сонини белгилаш ва ушбу сайлов округларини тузиш, шунингдек, сайлов комиссияларини тузиши, жумладан, янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказишга оид муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Қонун билан дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузганлик, шу билан бирга, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкий зарар етказиш каби ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик бекор бўлмоқда.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига нодавлат суд экспертларининг суриштирув, дастлабки тергов ва суд иш юритувидаги иштироки ҳамда улар ваколатини назарда тутувчи янги нормалар киритилмоқда.

Ушбу қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан очиқлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Хусусан, Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштириладиган, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган маълумотлар рўйхатига киритилган маълумотларни эълон қилмаганлик ёки тўлиқ эълон қилмаганлик, эълон қилиш муддатларига ва тартибига риоя этмаганлик ёки маълумотларни бузиб кўрсатганлик учун мансабдор шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, агар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда маъмурий жаримага тортилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида яна бир қанча ҳуқуқларга эга бўлмоқда. Жумладан, иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда судга қадар тайёргарлик чоғида ҳамда суд жараёнида ишонч билдирувчи шахснинг розилиги билан давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида экспертиза ўтказилишини сўраш, шунингдек, экспертиза хулосаси иш материалларига қўшиб қўйилишини ва суд томонидан ушбу хулоса ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилиш ҳуқуқи шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий суд ишларини юритишда эксперт сифатида нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг эксперти ҳам иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда кейинги беш йилда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Сенат Раиси бу соҳада олиб борилган ислоҳотларнинг айрим натижаларига тўхталиб ўтди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди ягона олий орган — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди, шунингдек, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди ва маъмурий судлар тизими яратилди.

Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддати ва шундан сўнг муддатсиз даври белгиланди.

Суд мажлисларига оммавий ахборот воситалари вакилларини қонунда белгиланган тартибда кенг жалб қилиш йўлга қўйилди.

Судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд мажлисларини махсус алоқа тизими орқали ўтказиш, суд мажлисларини аудио, видео воситалари орқали қайд этиш, суд қарорларини инсон омилисиз онлайн тарзда тақдим этиш амалиёти жорий этилди.

Судлар ва жазони ижро этиш муассасалари ўртасида видеоконференцалоқа тизими ўрнатилди.

"Далиллар мақбуллиги" институти такомиллаштирилиб, бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилишига, далилларга холисона баҳо берилган ҳолда оқлов ҳукмлари кўпайишига асос яратилди.

Жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилиб, у барча инстанцияда қўлланилиши белгиланди, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, айбига иқрорлик бўйича келишув институти, медиация институти жорий қилинди.

"Бир суд — бир инстанция" тамойили асосида халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими жорий қилиниб, назорат инстанцияси бекор қилинди.

Одил судловни амалга ошириш борасида жиноят, маъмурий, фуқаролик ҳамда иқтисодий судлар томонидан 2017 — 2021 йил ва 2022 йилнинг тўрт ойида жами 4,5 миллиондан ортиқ ишлар кўриб чиқилиб, улардан 3,8 миллионга яқин даъво аризалари қаноатлантирилган бўлса, 4050 нафар судланувчига нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилган.

Мажлисда сенаторлар номзодга суд тизимидаги юзага келаётган муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳокамалар якунида Козимжон Фозилович Комилов судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига, беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимига сайланди ва Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан 6 та масала, шу жумладан, 5 та қонун муҳокама этилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

## ЮРТИМИЗНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИГАН БЎЛДИ

◄1 Томонлар миллий брендларни яратиш талаби ҳамда географик номларни ҳимоя қилиш зарурлигига ҳам эътибор қаратди.

Якунда БИМТ томонидан Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича келишувга эришилди.

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДАГИ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрига ташрифи доирасида "Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштироки: миллий, минтақавий ва халқаро миқёсдаги яхши амалиётлар" мавзуидаги панел муҳокамаларида иштирок этди.*

Етмишдан ортиқ давлатлар арбоблари, экспертлар, олим ва мутахассислар қатнашган тадбирда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ўз навбатида, Сенат Раиси нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда гендер сиёсатини амалга ошириш тажрибасига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда гендер тенгликни ҳамда аёлларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганига урғу берилди.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, "Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги конвенциянинг (CEDAW) татбиқ этилиши ҳам тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда иштирокчилар томонидан хотин-қизлар фаоллигини ошириш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича халқаро даражада ўзаро тажриба алмашиш ва бу борада мулоқотни ривожлантиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР – ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

*Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йигирма еттинчи ялпи мажлисида бир қатор қонунлар ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Уларнинг ҳар бири юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга йўналтирилгани билан эътиборлидир.*

*Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторлар қуйидагича фикр билдирди.*

### Акс садо

**Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:**

— Сир эмас, кейинги йилларда юртимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни очиқ, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказиш йўлида катта қадамлар ташланди. Хусусан, халқ ҳокимияти ва сайлов тизимини босқичма-босқич модернизациялаш чоралари кўрилди. Аммо бу чегара эмас. Яъни сайлов тизими модернизацияси мунтазам давом этадиган жараён.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ана шу эҳтиёж туфайли яратилган бўлиб, халқаро ташкилотлар тавсияларига асосан Сайлов кодекси ҳамда бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунда сайлов округи ҳудуди бошқа маъмурий-ҳудудий бирликка ўтказилганда ёки унинг ҳудудида янги маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этилган тақдирда ушбу сайлов округидан сайланган депутатнинг ваколатлари сақлаб қолиниши белгиланмоқда.

Яна бир янгилик сифатида Сайлов кодексида янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирликдаги маҳаллий Кенгашга сайловни ўтказиш учун округлар сонини белгилаш, уларни ва сайлов комиссияларини тузиш ҳамда ушбу сиёсий тадбирни ўтказишга доир қоидалар мустаҳкамланаётганлигини келтириш мумкин.

**Хуршид ФОЗИЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Инсон азиз, мўътабар. Тараққийпарвар жамиятларда ана шунга амал қилиб келинади. Шу боис сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсонни улуғлаш, хусусан, унинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, тўкис ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ялпи мажлисда маъқулланган "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам ана шу мақсадга ҳамоҳанглиги билан диққатга сазовор.

Аввало, бу ҳужжатни инсонпарварлик руҳига йўғрилган, десак, муболаға бўлмайди. Буни қатор қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмунидан ҳам сезиш мумкин. Масалан, инсон аъзолари ва тўқималарини олиш, трансплантация қилишнинг белгиланган шартлари ҳамда тартибини бузганлик, вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигисиз илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш учун олганлик, инсон аъзоларининг ва тўқималарининг олди-сотдиси билан шуғулланганлик, инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва тўқималарини Ўзбекистондан ташқарига олиб чиққанлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Қолаверса, инсон аъзолари ҳамда тўқималарини олиш мақсадида одам ўғирлаганлик ёки одам савдоси билан шуғулланганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланяптики, бу бизни хотиржам қилиши, табиий. Негаки, дунё бўйича бу билан боғлиқ жиноятлар тез-тез учраб туриши барчага маълум.

**Одилжон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:**

— Ҳар бир инсонни ёмонликлардан қайтариш, уларни яхшиликка йўллаш давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Сенаторларнинг қизғин муҳокамасига сабаб бўлган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун номидан ҳам унинг мақсади эзгу эканлиги очиқ кўриниб турибди. Аммо шунга қарамасдан ушбу қонун рад этилди. Нега?

Бунинг учун бир қатор асослар бор. Масалан, унда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ва профилактика ишлари фақатгина вояга етмаганлар ўртасида олиб борилиши, бундай маҳсулотларни сотиш ва истеъмол қилиш 21 ёшга тўлмаган шахслар учун тақиқланиши кўзда тутилган бўлиб, бу кескин қаршиликка сабаб бўлди. Нега бошқа ёшдагилар ўртасида бундай тарғиботлар олиб борилмаслиги ва тақиқланмаслиги керак?

Қолаверса, қонунда "носвой" тушунчаси мазмуни алоҳида хатбошида очилгани ҳолда, "тамакили снюс" ва "никотинли снюс" тушунчалари мазмуни ёритилмаган, уларнинг бир-биридан фарқи ҳам аниқ кўрсатилмаган.

Шу ва бошқа сабаблар ушбу қонун рад этилишига олиб келди. Зеро, қайта тўлдирилса, унинг халқимизга нафи янада кўпроқ бўлади.

**Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар боис жамиятимиз, турмуш тарзимиз, умуман, Ўзбекистонимиз янгиланмоқда. Табиийки, шу жараёнларни қонунчилик билан мустаҳкамлаш ислоҳотларга янгича суръат беришда муҳим аҳамиятга эга.

Сенаторлар томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

Бу ҳужжат билан 4 та кодекс ҳамда 3 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мисол қилиб, дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлгани ҳолда тўловларни амалга ошириш муддатини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкий зарар етказиш каби ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинаётганлигини келтирса бўлади.

Галдаги муҳим янгилик эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланаётганидир.

Сенаторлар томонидан маъқулланган ушбу қонунда яна қатор янгиликлар борки, уларнинг барчаси мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ҲАМ, ОЗАРБАЙЖОН ҲАМ БУЮК ФАРЗАНДЛАРИ ШАРАФЛАНГАН ЮРТЛАРДИР

←1

*— Ҳурматли Оқил Умурзоқович. Ташқи ишлар вазирлигининг "Дунё" ахборот агентлигида инсоният тарихида ўчмас из қолдирган машҳур сиймолар, жумладан, яқин ўтмишдаги таниқли давлат ва сиёсат арбобларининг ҳаёти ва фаолиятига доир суҳбат ҳамда мақолаларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш анъанага айланган. Бугун Сиз билан ана шундай улуғ сиймолардан бири — қардош Озарбайжон халқининг миллий етакчиси Ҳайдар Алиев ҳақида суҳбат қурилаётгани агентлигимиз учун шарафдир.*

— Катта раҳмат, эътиборингиз учун.

*— Маълумки, ўтган ойда, аниқ қилиб айтганда, 10 май куни озар халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев таваллудининг 99 йиллиги нишонланди. Келгуси йилда нафақат Озарбайжонда, балки унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам ҳаёти ва фаолияти эътиборни тортадиган атоқли давлат ва жамоат арбобининг 100 йиллиги кенг нишонланади.*

*Суҳбатимиз ибтидосида қардош Озарбайжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев таваллуди куни ўзбеклар юртида ҳам кенг нишонланишининг ҳаққоний ва мантиқий асослари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз...*

— Бу ҳақда гапиришдан олдин, энг аввало, ўзбек ва озар халқларининг кўҳна қардошлик тарихига мурожаат қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Маълумки, Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Халқларимизни тил, дин, муштарак маданият ва боқий анъана, қадрият ва урф-одатлар боғлаб туради. Икки халқнинг бугунги вакиллари "Хамса"дек беназир асарлар ёзиб қолдирган Низомий ва Навоийдек буюк шоир ва мутафаккирлар авлодларидир. Шу ўринда, ҳазрат Навоийнинг "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ..." деб ёзган машҳур сатрларини ёдга олиш кифоя. Бугунги кунларда азим Тошкентда Низомий ҳайкали, Боку шаҳрида эса Навоий ҳайкали қад ростлаб тургани бежиз эмас.

Озарбайжонда ҳам ўзбекистонликларга алоҳида ҳурмат ва эътибор мавжуд эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Озар дўстларимиз биз ўзбекларга "қардошим" деб мурожаат қилади.

Мен шу ўринда ўзбек ва озар халқлари қадимдан муштарак қадрият ва анъаналар асосида яшаб келгани, икки халқнинг маданияти, санъати ва адабиёти бир-бирига таъсир кўрсатиб, ўзаро бойитиб, умумий тамойиллар ва ягона адабий қонуниятлар асосида тараққий этганига алоҳида эътибор қаратишни истардим. Шу боис, табиийки, Низомий Ганжавий, Имодиддин Насимий, Муҳаммад Фузулий ўзбек халқи орасида қанчалик машҳур бўлса, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам озар халқи орасида шунчалик суюклидир.

Ўзбек ва озар олиму адиблари ўртасидаги замонавий илмий-адабий алоқалар азалий ришталар мазмунини бойитиб келмоқда. Ўзбек халқининг машҳур шоири Абдулла Орипов Мақсуд Шайхзодага ўзбек адабиёти ва адабиётшунослик илмида из қолдирган улкан шоир, атоқли драматург, моҳир таржимон ва нуктадон олим эди, деб таъриф берган. Унинг "Озарбайжон заминида дунёга келган бу бетакрор сиймо ўзининг бутун ҳаётини, иқтидорини, инсоний тақдирини Ўзбекистон билан боғлади. Ўтган асрда халқимиз бошига тушган неки машаққату синовлар бўлса, бирга-бирга бошидан кечирди. Оғир кўргиликларга ҳам гирифтор бўлди. Бу бағри кенг инсон ўзбек оиласини ўз хонадони деб ҳисоблаб, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек сингари улуғ адиблар билан адабиётимиз майдонида ёнма-ён от сурди", деган битикларида нақадар катта маъно мужассам.

Кейинги йилларда таниқли озар олими ва таржимони Рамиз Асқар Алишер Навоий "Хамса"си, Заҳириддин Муҳаммад Бобур девони ва "Бобурнома" асарини озар тилига таржима қилди. Низомий Ганжавий "Хамса"сининг Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол муаллифлигида ўзбек тилига қилинган тўлиқ таржимаси Тошкент ва Бокуда беш жилдда нашр этилди.



Бугунги кунда мамлакатимизда 40 мингдан зиёд озар миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилишини ҳам эслаб ўтишимиз жоиз. Мустақиллик йилларида уларнинг 40 дан ортиғи олий давлат мукофотларига муносиб кўрилган. Тадбиркорлар орасида давлат арбоби Ойдин Азимбеков, режиссёр Фирудин Сафаров, маданият ва санъат намояндалари Кокяб Алиева, Илҳом Абдуллаев, Юсуф Алиев ҳамда бошқа касб эгалари бор.

Мен бир неча маротаба Озарбайжонда ўтказилган Ўзбекистон кунларига гувоҳ бўлганман. Бокуда ўтказилган ана шундай тадбирда Ҳайдар Алиев билан ёнма-ён ўтирган эдим. Ўшанда ўзбекистонлик санъаткорларнинг маданий чиқишларини Ҳайдар Алиев завқ-шавқ ва самимият билан олқишлаган ҳамон кўз олдимда туради.

Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг театр жамоалари ва бошқа маданий муассасалари ўртасида тарихан яқин ижодий ҳамкорлик бўлган. Бундай маданий муносабатлар ҳозирги пайтда янада ривож топмоқда.

Умуман олганда, икки халқнинг тарихий яқин алоқалари ҳақида жуда кўп гапириш, бошқалар завқ қилса арзигулик фикрларни билдириш мумкин...

Модомики, икки қардош халқ ўртасидаги кўп асрлик тарихий ришталар мавжуд экан ва бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган стратегик шериклик муносабатлари тобора ривожланиб бораётган экан, ҳар икки қардош халқ бир-бирларининг улуғларини шарафлаши табиий ва мантиқий ҳол. Ўзбекистон ҳам, Озарбайжон ҳам буюклари шарафланган юртлардир.

Дарҳақиқат, Ҳайдар Алиевни ўзбекистонликлар жуда яхши билади. Яқин ўтмишдан маълумки, Ҳайдар Алиев жуда юқори давлат лавозимларида фаолият кўрсатган. 1993 — 2003 йилларда эса мустақил Озарбайжон Президенти бўлган. Бугунги Озарбайжоннинг замонавий тарихи Ҳайдар Алиев номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланишида Ҳайдар Алиевнинг, шубҳасиз, катта тарихий хизмати бор. Бу ҳамиша, ҳар жойда ўз эътирофини топган.

*— Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 15 октябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 7-саммитида иштирок этиш учун Озарбайжонга боргани ва ушбу ташриф доирасида Бокуда Президент Илҳом Алиев билан учрашганини эслаш жоиздир. Давлат арбоби сифатида Сизнинг ушбу учрашув ҳақидаги шахсий фикрларингизни билиш истар эдик.*

— Сиз мазкур учрашувни ўз ўрнида эсга олдингиз. Ўшанда давлатимиз раҳбари Ҳайдар Алиев ҳақидаги ўз фикрларини ҳам баён этган эди. "Биз Озарбайжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев билан ҳамиша фахрланамиз. Ўзбекистонда уни эҳтиром билан хотирлашади. Мен у билан ишлаган одамлар билан кўп суҳбатлашганман. У ҳар доим ўзбек халқига ҳурмат билан муносабатда бўлган. Ҳайдар Алиев Шароф Рашидов билан кўп бор учрашиб, кўплаб қийин масалаларни биргаликда ечишган. Бугун орамизда ҳаёт бўлганлар Ҳайдар Алиевнинг ҳар қандай вазиятда Ўзбекистонга ҳурмат билан муносабатда бўлганини, қўллаб-қувватлаганини айтишади. Бизда "ўзбек иши" юзага келган оғир йилларда Ҳайдар Алиев бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзбек халқи ҳақида ўз шахсий фикрига эга бўлган", деган эди Шавкат Мирзиёев.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон мустақил ривожланиши йиллари давомида Ҳайдар Алиев Озарбайжон Президенти сифатида Ўзбекистонга икки маротаба келганини кўрамиз. Биринчи сафар — 1996 йил октябрь ойида Туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг IV саммитида қатнашиш учун амалий ташриф билан, иккинчи маротаба эса бундан роппа-роса 25 йил бурун — 1997 йилнинг июнь ойида Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган.

1996 йил 22 октябрь куни олий даражали меҳмон ташриф дастури доирасида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда бунёд этилган Темурийлар тарихи Давлат музейи билан танишган эди. Ҳайдар Алиев музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига ўз қўли билан ёзиб қолдирган фикрлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Унда қуйидаги сўзлар битилган: "Чуқур ҳаяжон ва катта ҳурмат оғушида буюк Амир Темур музейи билан танишдим. Экспонатлар буюк давлат арбоби, саркарда ва ўзбек халқининг буюк ўғлони — Амир Темур тўғрисида қўшимча тасаввурларни пайдо қилади. Ўзбекистон халқига буюк ташаккурларим. Амир Темурнинг тарихий мероси ва хизматларига ғамхўрлик ҳамда ҳурмат билан муносабат, юксак ахлоқийлик ва донишмандлик намоёни учун".

1997 йилнинг ёзида Озарбайжон Президентининг расмий ташрифи чоғида унга Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг фахрий доктори дипломи тақдим этилган эди. Мен ўша кезлари Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири бўлиб ишлар эдим.

Ҳайдар Алиев озар халқининг том маънодаги умуммиллий етакчисидир. У мустақил Озарбайжоннинг меъмори ва асосчиси сифатида тарихда қолган бўлса, бугунги кунда ана шундай машҳур давлат арбоби ғояларини муваффақиятли давом эттираётган Президент Илҳом Алиев мамлакат равнақини таъминлаш, иқтисодий қудратини ошириш йўлида улкан саъй-ҳаракатларни амалга ошираётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

*— Оқил Умурзоқович, биласизки, ушбу мавзуда айнан Сиз билан суҳбат қуришни режалаштирганимиз тасодифий ҳол эмас. Сиз Ҳайдар Алиев замондоши ва сиёсий арбоб сифатида у билан учрашганингиз ва ўзаро мулоқотда бўлганингиз халқимиз, давлатимиз тарихи солномасининг саҳифаларидан жой олган. Нафақат барча озарбайжонликлар, балки бошқа турли миллатлар вакиллари — қатор давлатлар раҳбарлари, тарихчи олимлар, халқаро журналистлар ва бошқа касб эгалари Ҳайдар Алиев номини фақат ва фақат ижобий фикрлар билан ёдга олади. Сиз Ҳайдар Алиев феноменини қандай изоҳлайсиз?*

— Ҳайдар Алиевнинг иқтидори замон ва макон доирасига сиғмайди, деб айтсам, муболаға бўлмайди. У 1923 йил 10 май куни мамлакатнинг Нахичеван шаҳрида туғилган. Шу ердан бошланган йўл дастлаб Озарбайжон, сўнгра бутун собиқ иттифоқ бўйлаб чўзилди, кейин эса дунё миқёсида ўз эътирофини топди. Юқорида айтганимдек, бугунги Озарбайжоннинг замонавий тарихи Ҳайдар Алиев номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Тарихдан маълумки, 1918 йил 28 май куни Озарбайжонда мустақиллик тўғрисида декларация қабул қилиниб, илк бор Шарқда мустақил, дунёвий ва демократик Озарбайжон Демократик Республикаси (ОДР) эълон қилинган. Мамлакат дипломатлари саъй-ҳаракати билан 1919 йили Миллатлар лигаси тинчлик конференциясида ушбу давлатнинг мустақиллиги тан олинган.

1991 йил 18 октябрь куни Озарбайжон қонунчилик органи томонидан давлат мустақиллигини тиклаш тўғрисида Конституцион акт қабул қилиниб, умуммиллий етакчи Ҳайдар Алиев ташаббуси билан Озарбайжон Демократик Республикасининг барча давлатчилик белгилари қайта тикланган ва бугунги Озарбайжон ОДРнинг қонуний меросхўрига айланган эди.

Ҳайдар Алиев феномени ҳақида гап кетганда, икки тарихий далилни ёдга олишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман. Маълумки, Ҳайдар Алиев 1987 йил октябрида КПСС МҚ сиёсий бюроси олиб бораётган сиёсий йўлга норозилик белгиси сифатида собиқ иттифоқ ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан истеъфо берган. Бундан ташқари, 1990 йил 20 январдаги фожиалардан сўнг, яъни совет қўшинларининг катта контингенти Бокуга киритилиши кўплаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлгани муносабати билан Ҳайдар Алиев Озарбайжон халқига нисбатан уюштирилган бу жиноят ташкилотчилари ва ижрочиларини жазолашни талаб қилган. Иттифоқнинг ўша пайтдаги раҳбарияти сиёсатига норозилик белгиси сифатида 1991 йил июль ойида КПСС аъзолиги сафидан чиқиб кетган.

1993 — 2003 йиллар давомида Ҳайдар Алиевнинг раҳбарлигида мустақил Озарбайжон сиёсий, иқтисодий, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида улкан муваффақиятларга эришди. Унинг раҳбарлигида мамлакатнинг халқаро алоқаларида катта ўзгаришлар содир бўлди, илмий асосларга, халқаро меъёр ва тамойилларга асосланган мустақил давлат қурилишига асос солинди ва замонавий, ҳар жиҳатдан тўкис давлат барпо этилди. Ҳайдар Алиевнинг президентлиги даврида миллий армия қурилишида жиддий ўзгаришлар бошланди. Тажовузкор қуролли кучларнинг Озарбайжон ҳудудидаги бошбошдоқликларининг олди олинди, 1994 йилнинг майида Озарбайжон ва Арманистоннинг Қорабоғ можаросини ҳал этишнинг дастлабки босқичи сифатида фронт чизиғида отишмаларни тўхтатиш эълон қилинишига эришилди.

1995 йилнинг ноябрида умумбашарий демократик қадриятларни ўзида акс эттирган Озарбайжон Республикаси Конституциясининг референдум йўли билан қабул қилиниши, 1995 ва 2000 йилларда кўппартиявийлик асосида демократик парламент сайловларининг ўтказилиши, Конституциявий суднинг фаолият бошлаши, Озарбайжонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қатор муҳим қонунларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши айнан Ҳайдар Алиевнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳа, озар халқининг буюк ўғлони Ҳайдар Алиев ўз даврида дунё миқёсидаги сиёсий арбоб бўлган, чунки кўпгина мамлакатларда Ҳайдар Алиев туфайли Озарбайжонни билишган. Дунёнинг машҳур одамлари, таниқли сиёсатчилар уни машҳур, илмли сиёсатчи, фикрлаш доираси ниҳоятда кенг арбоб, қолаверса, Озабайжоннинг фахри, ғурури, виждони, ори, номуси, деб тан олган.

Франциянинг собиқ Президенти Жак Ширак у ҳақда "Бу нооддий сиймо Озарбайжонни фаровонликка етаклаб келди. Бизнинг учрашувларимиз чоғида, айниқса, Тоғли Қорабоғ можароси бўйича музокараларда унинг низони тинч йўл билан ҳал этишдаги кўрсатган қаҳрамонлиги, донишмандлиги ва қатъиятини юқори баҳолаганман", деб айтган бўлса, Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Тони Блэр "Ҳайдар Алиев Озарбайжоннинг буюк етакчиси эди. У инқирозлар даврида ўз мамлакатига барқарорлик олиб келди. Озарбайжон халқи у қолдирган мерос билан фахрланса арзийди", дея таърифлаган. Бошқа яна жуда кўплаб мамлакатларнинг етакчилари ҳам Ҳайдар Алиев сиймоси ҳақида ана шундай жуда илиқ ва ҳаққоний фикр-мулоҳазаларини баён этгани тарихдан яхши маълум. Мухтасар айтганда, Ҳайдар Алиевнинг бутун ҳаёти Озарбайжон ва унинг халқига фидокорона муҳаббати намунасидир.

*— 1983 йилнинг октябрида Ҳайдар Алиев бошчилигидаги делегация Москвадан Тошкентга учиб келганда (Вьетнамга кета туриб), меҳмонларни Шароф Рашидов кутиб олгани тарихдан маълум. Шунда Ҳайдар Алиев Ўзбекистон бошига келаётган, тарихда "ўзбек иши" деган ном билан қолган булутли кунлардан Шароф Рашидовни "эҳтиёт бўлинг" маъносида огоҳ этган, деган гапларни кўпчилик эшитган. Бу фикрлар расман тасдиқланмаган бўлса-да, Ҳайдар Алиев ва Шароф Рашидов ўртасида тарихан яқин, дўстона муносабатлар бўлгани учун кўпчилик бунга ишонади. Халқ орасида юрган бу гапларни Сиз қандай изоҳлайсиз?*

— Бу эҳтимолдан холи эмас. Мазкур делегация Шароф Рашидов ҳамроҳлигида Тошкент метрополитени, "Халқлар дўстлиги" саройи ва бошқа жойлар билан танишган эди. Сўнгра Шароф Рашидович Ҳайдар Алиев билан кечки овқатни бирга тановул қилганига гувоҳ бўлганман.

Ҳақиқатан ҳам, Ҳайдар Алиев Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги тарихий ришталарни мустаҳкамлашга салмоқли шахсий ҳисса қўшган арбоб эди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган тарихий санагача ҳам у киши мамлакатимизда бир неча маротаба бўлган. Шароф Рашидов ва Ҳайдар Алиев ўртасида ишончли муносабатлар мавжуд бўлиб, улар тез-тез мулоқот қилиб турган, турли мураккаб давлат масалаларини биргаликда ҳал қилишган, оилалари ўртасида ҳам самимий алоқалар ҳукм сурган.

Ҳайдар Алиев ўзбек халқига катта ҳурмат билан муносабатда бўлган, миллий маданиятимиз ва анъаналаримизни юксак қадрлаган.

Ҳайдар Алиев ва Шароф Рашидов ўртасида яқин ва самимий муносабатлар қарор топган эди. Собиқ иттифоқ ҳукумати ҳайъати йиғилишлари ва мажлисларида Шароф Рашидов кўп қатнашгани ва Ҳайдар Алиев билан тез-тез учрашиб тургани, шунингдек, Кремлдаги сиёсий бюронинг ягона туркий-мусулмон аъзоси бўлган Ҳайдар Алиев ҳақиқатан ҳам қўлидан келганича ўзбек халқига кўмаклашгани бор гап.

Икки буюк раҳбар ўртасида илиқ муносабатлар қарор топгани Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари томонидан ҳам эътироф этилган. Мен юқорида Ўзбекистон Президентининг бу ҳақдаги фикрларини айтдим. Ўз навбатида, Озарбайжоннинг ҳозирги етакчиси Илҳом Алиев ҳам бу фикрни тасдиқлаган ҳолда ўзининг ўсмирлик чоғларидаёқ отаси ва Шароф Рашидов ўртасида яқин дўстона муносабатлар бўлганини яхши эслашини расман айтган. "Улар ака-укалардек дўст эдилар, қайта қуриш йилларида муайян доиралар томонидан ўзбек халқига нисбатан уюштирилган адолатсизлик отамда жуда ёмон таассурот қолдирганини эслайман", деган эди Президент Илҳом Алиев 2019 йили Бокуда Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган учрашув чоғида.

*— Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари раҳнамолигида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар шериклик тобора равнақ топмоқда. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан кўп асрлик дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган Ўзбекистон — Озарбайжон алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилишлар қатъий экани тасдиқланган. Кўпни кўрган сиёсатчи ва арбоб сифатида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг истиқболлари ҳақидаги фикрларингизни ҳам билишни истар эдик...*

— Озарбайжон Жанубий Кавказ минтақасида Ўзбекистоннинг стратегик шериги ҳисобланади. Бу геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан жуда муҳим. Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, тарихан бир-бирига яқин ва ҳамкор бўлган қардош мамлакатларимиз ўртасида бугунги кунда ҳам ўзаро сиёсий ишонч, яқин алоқалар мавжуд. Давлатларимизнинг икки томонлама муносабатлари тобора равнақ топаётгани баробарида улар халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам бир-бирларини самимият билан қўллаб-қувватлаб келаётгани беҳад қувонарлидир.

Шу ўринда яна бир фикрни айтишни истар эдим. Ҳозир бутун инсоният мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон халқи ҳам, Озарбайжон халқи ҳам доимо келажакка ишонч билан қараган. Бундан кейин ҳам шундай бўлажак. Ўзбек халқининг ардоқли ва бетакрор санъаткори Шерали Жўраев ўзининг бир ашуласида куйлаганидек, "Эгаси бор юртнинг эртаси бордир!" Ўзбекистон ҳам, Озарбайжон ҳам ўз халқларининг хоҳиш-иродаси билан сайланган давлат раҳбарлари раҳнамолигида нурли йўлда комил ишонч билан дадил ва адолатли қадамларни ташлаётганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Бу йўл — порлоқ келажак йўлидир.

**«Дунё» АА шарҳловчиси Шуҳрат УМИРОВ суҳбатлашди.**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН НАМУНАЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

←1

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз бошчилигида норма ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан ошириш, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал ва халқчил бўлишини таъминлаш борасида изчил ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида янги даврни бошлаб берди.

Ўз навбатида, норма ижодкорлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш, унинг халқчиллигини ошириш борасида амалиётга жорий этилган янги тартиб-таомиллар қабул қилинаётган ҳужжатлар сифатини янада яхшилашга, уларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш, қонун ва қарорларни содда ҳамда халқчил тилда тайёрлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламига етказишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлар ҳам бутунлай янги йўналишда ташкил этилиб, қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг янги демократик тартиб-қоидалари жорий этилмоқда.

Хусусан, янги таҳрирдаги қонун ҳужжатини қабул қилиш ўрнига янги қонун ҳужжатини қабул қилиш ва бир вақтнинг ўзида амалдаги қонун ҳужжатини ўз кучини йўқотган деб топиш амалиёти жорий этилди.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш, қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш каби амалиётлар ҳаётга татбиқ этилди.

Қайд қилинганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар норма ижодкорлиги фаолиятининг сифатига бевосита боғлиқ бўлмоқда. Шу боис сўнгги пайтларда ислоҳотларнинг қонуний базасини мустаҳкамлаш мақсадида қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Шунингдек, қонунчиликдаги тизимли ўзгаришлар билан боғлиқ жадал ривожланиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Биргина Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишдаги қонун лойиҳалари сони аввалги йиллардагига қараганда қарийб 3 баравар кўпайди, қонунларнинг ҳажми ҳам шунга монанд равишда бир неча бор ошди.

Масалан, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида Қонунчилик палатаси томонидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир жами 15 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йил 10 июнь ҳолатига 56 тани ташкил қилмоқда. Бу каби қонунларнинг шакли ва расмийлаштириш тартиби техник хусусиятга эгалиги фуқароларга бу турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри қўллаш ва талқин қилишни ташкил этишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Йиғилишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хусусиятидаги қонун лойиҳаларининг янги талабларга жавоб берадиган намунасини яратиш ва бу борада ягона амалиётни йўлга қўйиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонунларда назарда тутилаётган ҳар бир янгиликнинг асоси, мақсади ва заруратини очиб берувчи муқаддимани шакллантиришга доир намуналар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Тадбир иштирокчилари айтиб ўтганидек, мазкур амалиётнинг йўлга қўйилиши қабул қилинадиган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка содда, халқчил тилда, тушунарли тарзда етказиш хизматини уддалайди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# АЁЛГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ

*Кейинги йилларда жамиятимиздаги эҳтиёжманд хотин-қизларнинг турмушидаги муаммоларни катта ресурс ва имкониятларни сарфлаб бўлса-да, ҳал этиш учун кўлами кенг саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Турли сабаблар билан қийин ижтимоий-иқтисодий вазиятга тушиб қолган опа-сингилларимизнинг уй-жой шароитини яхшилаш, даромад манбаини яратиб бериш борасида салмоқли ишлар қилинаётганидан юртдошларимиз яхши хабардор, албатта.*

Шубҳасиз, жамиятда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлаш жуда муҳим. Бу борада давлат ва жамият олдида турган вазифалар ҳали борлигини кўпчилик яхши тушунади. Шундай экан, мазкур масалаларни Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйиш зарурати ҳам йўқ эмас.

Биринчи навбатда, оила институтининг аҳамиятини ошириш, унда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, эркинлиги масаласини назарда тутиш муҳим ҳисобланди. Шу маънода, Конституциямизга киритиш бўйича билдирилаётган никоҳ аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилиги, тенг ҳуқуқлилигига асосланиши кераклиги ҳақидаги таклифларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги ҳақида гап кетганда, уларнинг давлат хизматида ишлашда тенг имкониятларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бир вақтлар сайланиш масаласида аёлларнинг ҳуқуқлари анча чекланган эди. Кейинги йилларда бу борада ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Худди шундай, хотин-қизларнинг давлат хизматида ишлашининг кафолатланиши ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Очиғини айтганда, жамиятимизда, айниқса, ҳудудларда давлат идораларига номзодларни кўриб чиқишда аёллардан кўра эркакларга кўпроқ устунлик бериладиган ҳолатлар оз эмас. Мана шундай муносабат ҳисобига қанчадан-қанча қобилиятли опа-сингилларимиз давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Конституциямизга давлат хизматига қабул қилинишда тенг ҳуқуқлилик масаласининг белгиланиши мамлакатимиздаги гендер тенглик масаласига ниҳоятда ижобий таъсир кўрсатади, давлат ташкилотларидаги муҳитни ўзгартиради, деб ишонаман.

**Қизилгул ҚОСИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Нуқтаи назар

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

*Халқимиз орзу-истакларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ташаббуси бугун кенг жамоатчилик томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Кутилгандан-да фаолроқ муносабат билдираётган юртдошларимиз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини шошмасдан, ҳис-ҳаяжонга берилмаган ҳолда юборишга ҳаракат қилмоқда. Бунга аҳоли вакиллари билан суҳбатлар, жойлардаги учрашувларда ҳам гувоҳ бўляпмиз.*

Хусусан, олис Сурхон воҳасининг маҳаллаларида бўлганимизда ҳам одамларнинг ислоҳотларга, айни пайтда ҳукм сураётган жараёнга бефарқ эмаслигини кўриб, тўғриси ниҳоятда мамнун бўлдим. Уларнинг мақсади мамлакатимизда, аввало, тинчлик ҳукм суриши ва албатта, барча учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашдан иборатдир.

Партиямиз электорати вакилларининг истаклари ўринли, деб ўйлайман. Шу сабабли, давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёт сифатини оширишга масъул бўлиши керак. Хусусан, уларга жамият ва давлат ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиши учун шароитлар яратишга ҳамда асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кучайтириш лозим. Ушбу жиҳатлар Конституция меъёрларидан жой олса, амалиётда натижа беради.

Бунинг учун, аввало, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласининг ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда бўлишини таъминлаш талаб этилади. Яъни ойлик маош миқдорини ҳар бир оилага етадиган даражада ошириш, давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлаши белгиланиши лозим. Мазкур меъёрларга қўшимча равишда давлат ишсизлик ва камбағалликни тугатиш учун ўзининг барча имкониятидан фойдаланади, деган жумлалар ҳам киритилиши ишсизлик масалаларини ҳал қилиш орқали ижтимоий ҳимояни кучайтиришни таъминлайди.

Шу ўринда яна бир масала юзага келади. Яъни ишга жойлашиш учун кишида иқтидордан ташқари, ўша соҳа бўйича билим ва кўникма ҳам бўлиши зарур. Демак, таълим сифатини ошириш, аҳолини касб-ҳунарли қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ҳам кучайтириш муҳим саналади.

Жумладан, боланинг кичик ёшидан то улғайгунига қадар таълимга қамраб олиш йўлга қўйилган, узлуксиз таълим кафолатланган. Энди буни баъзи қўшимчалар билан тўлдириш лозим. Масалан, "Давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотларига ўқишга кириши учун давлатга қарашли мактабгача таълим ташкилотларида унинг умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди" мазмунидаги қоидани Конституцияда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

**Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВИ

## Ўзбекистоннинг ШҲТга раис сифатида амалга ошираётган жадал саъй-ҳаракатларида яққол намоён бўлмоқда

1

Сўнгги йилларда Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки халқаро миқёсда ҳам ўз ўрнига эга муҳим давлатга айланди. Унинг мавқеи ва нуфузи ортиб бораётганини Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган прагматик ва фаол ташқи сиёсат билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистоннинг минтақадаги янги ташаббуслари, халқаро институтлар фаолиятидаги фаол иштироки бутун дунёда эътироф этилмоқда ва олқишланмоқда. Бу мамлакат нуфузини сезиларли даражада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)даги фаол роли алоҳида эътиборга лойиқдир. Расмий Тошкент бугунги кунда ташкилотга раислиги давомида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келадиган ҳамда ШҲТнинг мавжуд кун тартибини бойитишга фаол ҳисса қўшадиган кўплаб ташаббус ҳамда таклифларни илгари сурди. Мамлакат ташқи сиёсатидаги жадаллик, унинг мазкур ташкилотдаги фаолиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

### ШҲТнинг шаклланиши

2001 йилда ташкил этилган ШҲТ дунёдаги энг йирик минтақавий тузилмага айланди. Унинг ўрни ва аҳамияти бир неча бор ошди. Сўнгги пайтларда ташкилот минтақавий ва халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилди. ШҲТга аъзо давлатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ортиб, бу Евроосиё қитъасининг 60 фоиздан кўпроғига тўғри келади. Яна бир муҳим жиҳати, ШҲТ давлатларининг умумий аҳолиси уч миллиарддан зиёд кишини ташкил этади. Бу эса дунё аҳолисининг деярли ярмидан иборат.

ШҲТ фаолиятида уч қитъа, чунончи, Осиё, Европа ва Африканинг 21 давлати иштирок этиб келаётир. Ташкилот саккизта доимий аъзо, (улар орасида ядровий кучга эга Покистон, Россия, Хитой ва Ҳиндистон бор) тўртта кузатувчи давлат ва тўққизта мулоқот бўйича ҳамкор мамлакатни бирлаштиради. 2021 йилда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 21-саммитида Эрон Ислом Республикаси тузилманинг тўққизинчи тўлақонли аъзоси этиб тасдиқланди. Бошқача айтганда, ШҲТ стратегик муҳим минтақа ҳисобланган Яқин Шарққа эшик очди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг тўртта давлати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ШҲТга муассис сифатида қўшилган ва унинг ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Бу тузилманинг Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Ташкилот кўплаб ютуқларга эришиб келаётган бўлса-да, аъзо давлатлар янги хатар ва таҳдидларга дуч келмоқда. Бу жараёнда ШҲТ давлатларидан аъзо мамлакатлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик орқали янги муаммоларни ҳал қилишнинг инновацион усулларини излаш талаб этилаётир.

### Ўзбекистон ва ШҲТнинг жадал стратегияси

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон ШҲТнинг асосчиси ва фаол аъзоларидан бири саналади. Айни пайтда мамлакат ушбу муҳим минтақавий ташкилотга раислик қилмоқда. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ШҲТ маконида амалга оширилаётган стратегия мамлакат янги ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари — конструктивлик, прагматизм ва янги ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишга асосланган, деб айтиш мумкин. Сўнгги беш йил давомида расмий Тошкентнинг ушбу тузилмага муносабати конструктив тарзда ўзгарди.

Қайд этиш жоизки, 2017 йилдан буён Ўзбекистон ШҲТнинг барча йўналиши бўйича ҳамкорлик жараёнида фаол иштирок этиб келаётир. Масалан, 2017 йилгача Ўзбекистон вакиллари ташкилотнинг хавфсизлик соҳасидаги айрим тадбирларида, хусусан, қўшма ҳарбий ва аксилтеррор машғулотларида, шунингдек, баъзи маданий-маърифий дастурларда тўлиқ қатнашмаган. Энди мамлакат ҳамкорликнинг фаол йўлида дадил одимламоқда. Ўзбекистон нафақат тузилманинг кўп жиҳатдан қандай ривожланаётганига, балки ШҲТга аъзо бошқа давлатларнинг умумий муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклифларини ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлаш каби омилларга эътибор қаратмоқда.

2017 — 2021 йиллар мобайнида Ўзбекистон Президенти ШҲТ саммитларида 50 га яқин муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, мазкур таклифлар "йўл хариталари", ҳуқуқий, сиёсий ва концептуал ҳужжатлар доирасида ҳамда ҳамкорликнинг янги механизми шаклида изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ШҲТнинг 2020 йилдаги саммитида айтиб ўтган "агар ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади", деган ғояни илгари сургани мамлакатнинг ушбу тузилма доирасидаги фаолиятига конструктив ёндашув моҳиятини тўла очиб берди. Қолаверса, бу ёндашув ШҲТнинг асоси ҳисобланадиган "Шанхай руҳи"га мосдир.

### Узоқ муддатли мақсадлар ва устувор вазифаларни белгилаш

Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги ўзбек дипломатияси зиммасига катта масъулият юклайдиган жиддий сиёсий жараёндир. Бу масъулият Ўзбекистонга нафақат тузилма доирасидаги ўсиш стратегиясини давом эттириш, балки уни аниқ натижалар келтирадиган янги мазмун ва муҳим жиҳатлар билан бойитиш имконини беради.

2021 йил 16-17 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммитидаги нутқида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги даврида ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги муҳим вазифаларни белгилаб берди:

савдо-иқтисодий, инвестициявий ва саноат кооперацияси ҳамда транспорт-коммуникация алоқаларини чуқурлаштириш;

камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда кенгайтириш;

ШҲТнинг юқори технологиялар, инновациялар, маданий-гуманитар соҳалар, соғлиқни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашдаги салоҳиятидан кенг фойдаланиш;

ШҲТнинг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш ва унинг жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлаш.

Бундан ташқари, саммит давомида Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида бир қатор янги ҳуқуқий, концептуал ва дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши маълум қилинди. Хусусан, ШҲТ доирасидаги кўп қиррали шерикликни янада кенгайтириш мақсадида 2023 — 2027 йилларда ШҲТга аъзо давлатларнинг Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш ва минтақалараро савдони ривожлантириш юзасидан қўшма ҳаракатлар режаси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилмоқда. ШҲТнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик концепциясини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнини якунлаш режалаштирилган. Шунингдек, ШҲТ маконида инфратузилмани ривожлантириш дастури, ШҲТга аъзо давлатларнинг етакчи тиббиёт марказлари ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ҳаракатлар дастури, телетиббиёт соҳасида ҳамкорлик дастури, ШҲТга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ўртасидаги музей иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва бошқа бир қатор ҳужжатларни қабул қилиш каби муҳим вазифалар кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши, шубҳасиз, ШҲТ кун тартибини янгилаш, унинг фаолиятини ўзгарувчан таҳдид ва воқеликларга мослаштиришга муносиб ҳисса қўшадиган омил бўлади. Ўзбекистон раислигида жами 80 дан ортиқ турли даражадаги тадбирлар ўтказилади. Мазкур тадбирлар давомида барча соҳада ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар кўриб чиқилади.

Ўзбекистон раҳбарининг ШҲТ кун тартибини энг истиқболли ва долзарб масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик орқали кенгайтиришга қаратилган иккита муҳим таклифи ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, 2021 йилнинг ноябрь ойида биринчи марта Ўзбекистон раислигида ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда шу йилнинг 25 январида камбағалликни қисқартириш бўйича вазирлар даражасидаги учрашувлар ўтказилди. Бу анжуманлар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган фаол стратегиянинг ёрқин ифодасидир.

Энг муҳими, Ўзбекистоннинг мазкур тузилмадаги иштироки доимо иқтисодий ҳамкорликка устувор эътибор қаратилиши билан ажралиб туради. Шубҳасиз, расмий Тошкент ШҲТга раислик даврида ҳам шундай ёндашувга амал қилади.

Бу йўналишдаги долзарб ташаббуслардан бири ШҲТга аъзо давлатлар ва хорижий инвесторлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини берувчи "Ўзбекистон — ШҲТ" саноат зонасини ташкил этишдан иборатдир. Жорий йилда режалаштирилган Иқтисодий форум, ШҲТга аъзо давлатлар кичик ва ўрта бизнес форуми, Саноат кооперациясини ривожлантириш форуми, Сайёҳлик форуми, ШҲТга аъзо давлатлар минтақалари раҳбарлари форуми ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Минтақавий хавфсизлик масаласига келсак, Ўзбекистон Президентининг таклифига кўра, ШҲТ доирасида Афғонистон бўйича биринчи юқори даражадаги учрашув бўлиб ўтиши режалаштирилган. Шу нуқтаи назардан, Тошкентда жойлашган ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) фаолияти янада фаоллашди. 2021 йил октябрь ойидан буён Ҳиндистон ШҲТ МАТТ кенгашига раислик қилмоқда.

Маданият ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш мақсадида яқинда Тошкентда "ШҲТ мамлакатлари ҳамкорлигининг янги босқичи: туризм ва маданий мерос" халқаро туризм форуми, шунингдек, тузилмага аъзо давлатлар спорт вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирлар давомида аниқ мақсад ва вазифалар ишлаб чиқилди, сентябрь ойидаги саммит доирасида томонлар имзолайдиган келишувлар тайёрланди. Қайд этилишича, ШҲТга аъзо давлатларнинг Арктикадан Ҳинд океанигача ҳамда Шанхайдан Калининградгача чўзилгани ва у дунё аҳолисининг 40 фоиздан ортиғини ўз ичига олиши, бу, улкан туристик бозор ҳисобланиб, унинг салоҳиятидан яқин йилларда тўлиқ ва самарали фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, учрашувлар давомида туризм, маданий меросни асраб-авайлаш соҳасидаги янги ташаббуслар, археология, музей иши, таълим ва илм-фан соҳаларида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон юритаётган жадал стратегия катта салоҳиятга эга ШҲТ доирасида туризм ва маданият йўналишидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича юқорида қайд этилган ташаббусида ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов ШҲТга аъзо давлатлар етакчилари томонидан белгиланган вазифаларни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорлик учун масъул туризм маъмуриятлари раҳбарлари ўринбосарлари даражасида доимий фаолият юритувчи мувофиқлаштирувчи гуруҳни шакллантириш заруриятини таъкидлади.



Бундан ташқари, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги энг машҳур йўналишлар ва манзиллар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ташкилот фаолиятида ички туризм салоҳиятига тўсқинлик қилаётган масалаларни аниқлаш таклиф этилди. Хорижлик сайёҳлар орасида катта талабга эга бўлган қўшма йўналишлар бўйича мамлакатлар ўртасида туристик ва транспорт алоқасини яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистон Тожикистон ва Қирғизистон билан Фарғона водийси, Қозоғистон билан Туркистон — Тошкент — Самарқанд — Бухоро сайёҳлик йўналишларида фаол саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. ШҲТдаги бошқа ҳамкорлар билан бу соҳада тажриба алмашишга тайёргарлик алоҳида қайд этилди. Шунингдек, туризм соҳасини рақамлаштириш, "ақлли" ва "яшил" технологияларни қўллаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

ШҲТ давлатлари билан туризм соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш — Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган устувор мақсадларидан бири ҳисобланади. Ташкилот мамлакатлари дунёдаги энг кўп табиий объектлар, инсоният тан олган осориатиқалар ҳамда маданият дурдоналарига бой улкан туристик салоҳиятга эга. ШҲТга аъзо давлатлар, кузатувчилар ва шерикларнинг умумий маданий меросидан 207 таси ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Сайёҳлик форуми билан бир вақтда Ўзбекистон пойтахтида ШҲТга аъзо давлатларнинг жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш доирасида 2022 — 2024 йилларда ШҲТга аъзо мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга масъул тегишли вазирлик ва идоралар ўртасидаги ҳамкорликнинг "Йўл харитаси"ни амалга ошириш режаси тасдиқланди. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистонда илк бор ШҲТ Тошкент халқаро яриммарафони муваффақиятли ташкил этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Айтиш жоизки, спорт соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари спорт орқали дўстона алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. ШҲТга аъзо давлатларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга масъул вазирликлари раҳбарларининг навбатдаги йиғилиши 2023 йилда Ҳиндистонда бўлиб ўтади.

Ўзбекистоннинг ШҲТга раис сифатида амалга ошираётган жадал саъй-ҳаракатлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг келажакка бўлган қарашлари ва прагматик ёндашувини очиб беради. Зотан, Ўзбекистон етакчиси раҳбарлигида барча соҳада, жумладан, иқтисодиёт, транспорт, хавфсизлик, энергетика, маданият, спорт ва бошқа қатор йўналишларда ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича янги таклифлар илгари сурилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон бўлажак 21-саммитда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ШҲТга аъзо давлатлар учун янги фаол ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиққани билан тарих саҳифасига киради. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор янги ташаббуслар 2022 йил сентябрь ойида Самарқандда қабул қилинадиган ШҲТ декларациясида ҳам акс этиши, шубҳасиз.

**Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ФРАКЦИЯЛАР ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ БИЛДИРДИ

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.*

**ЎзЛиДеП фракцияси** йиғилишида дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $206^{1}$-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 2020 йилда хотин-қизларга 14 минг 774 та ҳимоя ордери берилган бўлса, 2021 йил давомида бу кўрсаткич 39 минг 343 тани ташкил этди. Шунингдек, 2020 йилда ҳимоя ордерларини бажармаслик оқибатида 146 та ҳолатда маъмурий жавобгарлик қўлланилган бўлса, 2021 йил якунига келиб бу рақам қарийб етти баробар ошиб, 1 минг 322 тага етди. Шу сабабли бундай хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутиляпти.

Қонун лойиҳаси билан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси $206^{1}$-моддасининг санкциясида кўрсатилган жарима миқдорини ошириш белгиланмоқда.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $206^{1}$-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, ҳимоя ордери талабларини бажармаслик ҳолатлари бўйича жавобгарликни янада кучайтириш зарурати юзага келган ва ушбу қонун лойиҳаси тайёрланган.

Фракция аъзоси Алишер Ҳамроев қонун лойиҳасига муносабат билдириб, жаримани ошириш билан бундай ҳолатларни камайтириб бўлмаслигини таъкидлади. Унинг айтишича, жаримадан бутун оила бюджети зарар кўради ва бу оилавий муҳитни баттар издан чиқаради. Шунинг учун аёлига қўл кўтарадиган эркакларни жазолашнинг бошқа йўлини топиш керак.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллади.

— Қадриятларимизда бу муаммога ечим мавжуд. Оилада эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам масъулияти бор. Эр-хотин оилада бир-бирини ҳурмат қилса, ҳимоя ордерига зарурат ҳам қолмайди. Жазолаш билан оилани сақлаб қолиб бўлмайди, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Депутатлар якдил фикрга келди: жариманинг оширилиши муаммога ечим эмас. Иккинчи ўқишда жарима миқдори бўйича, албатта, таклифлар билдирилади.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамадан ўтказилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**"Адолат" СДП фракцияси** йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $206^{1}$-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг амалиётга жорий этилиши ҳимоя ордери талаблари бажарилиши, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимояланишини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Лойиҳадаги нормалар депутатлар томонидан обдан муҳокама қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди. Қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан маъқулланди.

Йиғилишда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокамадан ўтказилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан жамоат хавфсизлиги йўналишида кўрилаётган чораларнинг натижалари танқидий кўриб борилишига, иш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишига, айрим атамаларнинг тўғри қўлланилишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси юзасидан берилган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

Тадбирда муҳокама этилган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва муносабатлар билдирилди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $206^{1}$-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқди.

Дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, уларнинг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда мазкур йўналишда қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги, "Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди. Фракция вакиллари кун тартибидаги бошқа қонун лойиҳалари юзасидан ҳам электорат нуқтаи назаридан муносабат билдирди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида ҳам "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $206^{1}$-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари ошиб бораётганлиги, тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаётганлиги ҳамда улар томонидан такрорий тазйиқ ҳолатлари содир этилаётганлиги кузатилмоқда.

Кўриб чиқилган қонун лойиҳаси билан бу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва (ёки) зўравонликлар бўйича ҳимоя ордери талабларини бажармаслик ҳолатлари юзасидан жавобгарлик масалаларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш борасида тегишли таклиф ва мулоҳазалар билдирилиб, концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилиб, фракциянинг тегишли муносабати билдирилди.

*Йиғилишларда кун тартибидаги барча масала юзасидан фракцияларнинг тегишли қарори қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# ФИДОЙИ УСТОЗЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

*Ўзбекистон давлат консерваторияси ташкил этилганининг 85 йиллиги юртимизда кенг нишонланди.*

Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фармонига кўра, санъатимизни ривожлантириш, бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишдаги муносиб ҳиссаси, ёшларга ўзбек, жаҳон мумтоз санъати дурдоналари ва замонавий ютуқларини ўргатишдаги хизматлари учун ушбу олий таълим даргоҳининг профессор-ўқитувчиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг фахрий унвони, орден ва медаллари билан мукофотланди.

Хусусан, Ўзбекистон давлат консерваториясининг Факультетлараро фортепиано ижрочилиги кафедраси профессори Инна Абдуллаева «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони, Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси профессори Муқаддас Ризаева «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Маданият вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, тантанали тақдирлаш маросимида иштирок эта олмаганликлари сабабли мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувоҳитов уларнинг хонадонларига бориб топширди ва Юртбошимизнинг табригини етказди.

Фидойи устозлар бундай юксак эътибордан беҳад хурсанд бўлиб, Президентимизга ижодкор зиёлилар, устозлар, мусиқа санъати заҳматкашларига кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор учун миннатдорлик билдирди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

ЭЪЛОН

# «NEW LIFE SUG'URTA KOMPANIYASI» AKSIYADORLIK JAMIYATI АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ҳурматли акциядорлар!**

«New Life sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгашининг 2022 йил 1 июндаги қарорига асосан, жамият Устав фондининг миқдорини кўпайтириш мақсадида номинал қиймати 1000 сўм бўлган 4 835 500 дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларнинг чиқарилуви Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 10 июнда P0936-2 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги маълум қилинади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ, жамият акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга биноан жамиятнинг оддий акциялари эгаларига қўшимча чиқарилган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълони чиққан пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2022 йил 1 июнь ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Қўшимча чиқарилган акциялар 1000 сўмдан жойлаштирилади.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларга ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 сўмдан жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидир. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида бажарилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар жисмоний шахслар томонидан накд пул ва накдсиз (пластик карталар), юридик шахслар томонидан пул ўтказиш йўли билан накдсиз шаклда бажарилади.

Акцияларни жойлаштириш жараёнида ҳам акциялар учун тўловлар фақат пул маблағларида ҳамда пул ўтказиш йўли билан накдсиз шаклда тўланади.

Акциялар учун пул маблағлари эмитентнинг 2021 6000 5003 3839 8001 ҳисоб рақамига қабул қилинади. Банк номи — «ОРИЕНТ ФИНАНС» хусусий акциядорлик тижорат банки қошидаги амалиёт бошқармаси («ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ), Банк коди — 01071, Банк СТИРи — 207086151, Банк манзили — 100052, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 5-уй.

«New Life sug'urta kompaniyasi» AJ акциядорлари имтиёзли олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

*A / 31 064 500 = B;*

*4 835 500 * B = C;*

*Бунда:*

*31 064 500 — жамият устав капиталидаги оддий акциялар сони;*

*4 835 500 — қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони;*

*A — акциядорнинг жамият устав капиталидаги оддий акциялари сони;*

*B — акциядорга тегишли акцияларнинг жамият устав капиталидаги жами оддий акциялар сонига нисбати;*

*C — имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан имтиёзли сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сони.*

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) га тенг ва ундан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар қўшимча маълумотларни олиш учун жамиятга мурожаат қилишлари мумкин.

**Маълумот учун телефон: 71-203-99-77**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6